

Мусайлима ва Ансий каззоблар

Image not found or type unknown



11:22 / 19.05.2024 3385

هُلِّلَا يِضَرَ سَابَعِ نُبَا نَع
هُمْلِي سُم مَدَقِ : لَأَقُ هُنَع
هُلِّلَا لُؤَسَرَ دَعِ يَلَعُ بَأَذَكُ لَا
مَلَسَوِ هِيَلَعُ هَلِّلَا يَلَصُ

لَعَجْ نَا لُوقِي لَعَج وَة نِي دَمْلَا
هَدَعْبُ نَمَزْمُ أَلَا دْمَحُم يَل
رَشَب ي فَا هَم دَق وَ هُتَعَبَت
لَبُقْ أَفِ هِم وَوقُ نَمِرِي ثَك
هَلَلَا يُّلَصِ هَلَلَا لُوسَرِ هِيَلَا
نُبُتِ بَاثُ هَعَم وَ مَلَسَ وَ هِيَلَع
دِي ي فَوِ سَامَشِ نُبِ سِيَقِ
هَلَلَا يُّلَصِ هَلَلَا لُوسَرِ
دِي رَجُ هَعَطِ قَ مَلَسَ وَ هِيَلَع
هَمَلِي سُم يَلَع فَاق وَ يُّتَح
وَلُ « لَأَقَفِ هِبَا حُصَا ي ف
أَم هَعَطِ قُلَا هِدَه ي نَتَلَأَس
زَمَا وَدَعَتُ نَلَو ، أَهَكُتِي طِعَا

تَرْبَدَا نِيَّ لَو . كَي فِ هَل لَّا
كَارَأَل يِّنَاوُ هَل لَّا كُنَّ رَقْعَايَل
تِيَّ أَرَامِ هِي فُ تِي رَأَا ي دُّ لَّا
«يِّنَعَا كُبِّي جِي تِي بَاتَا آذَهَو
نُبَا لَاقُ . هُنَعَا فَ رَصْنَا مَث
لُوقُ نَعَا تَلَّ أَسَفَا : سَابَعَا
هَل لَّا يِّلَّ صَا هَل لَّا لُوسَرَا
كَارَأَل يِّنَاوُ» : مَلَّ سَوَا هِي لَعَا
«تِيَّ أَرَامِ هِي فُ تِي رَأَا ي دُّ لَّا
يِّلَّ صَا هَل لَّا لُوسَرَا نَا : لَاقَفَا
: لَاقَا مَلَّ سَوَا هِي لَعَا هَل لَّا
ي فُ تِيَّ أَرَامِ مِئَانَا أَنَا أَنِّي بَا
بَهَذَا نَمِ نِي رَاوَسَا ي دِّي

يَلِي وَيَحُ وَأُمُّهُ نَأْشِي نَمَّهَ أَف
أُمُّهُ خُفْنَانًا مَأْنَمًا لِي فِي
أَرَاطِفِ أُمُّهُ تَخَفَنَف
نَأْجُزُخِي نِيَّ بَأْذَكَ أُمُّهُ تَلِّ وَأَف
رَخَّالًا وَيُسْنَعُ لَأُمُّهُ دَحَا يَدْعَب
يُؤَيُّ أَوْرِي فَو. «أَمُّ لِي يَسْمُ
نِيَّ بَأْذَكَ لَأُمُّهُ تَلِّ وَأَف»
بِحَاصِ أُمُّهُ نِيَّ بَأْنَأْنِي دَلِّ لَأ
«أَمُّ أَمِّي لَأَبِحَاصِ وَأَعْنَصِ
بِنَأْخِي شَلِّ أَوْر

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Мусайлиматул-Каззоб Набий алайҳиссаломнинг даврларида Мадинага келиб, «Муҳаммад ўзидан кейин бу ишнинг ярмини менга қолдирса, унга эргашаман», деди. У ўз қавмидан анчагина одам билан келган эди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом у томон бордилар. У зотнинг ёнларида Собит ибн Қайс ибн Шаммос ҳам бор эди. Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг қўлларида хурмо шохининг бўлаги бор эди. У зот шериклари орасида ўтирган Мусайлиманинг тепасига келиб тўхтаб, «**Мендан мана шу чўпни сўрасанг ҳам бермайман. Аллоҳнинг иши сенга ўтмайди. Агар яна**

шундай қилсанг, Аллоҳ сени бўғизлайди. Менимча, тушимга кирган одам сенсан. Менинг ўрнимга сенга мана бу Собит жавоб беради», дедилар ва ўгирилиб кетдилар.

Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг «Менимча, тушимга кирган одам сенсан» деган гаплари ҳақида Абу Ҳурайрадан сўраган эдим, шундай деди: «Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: **«Тушимда икки қўлимда иккита тилла билакузук кўрдим. Уларнинг ҳолати мени ташвишга солди. Кейин тушимда «Уларга пуфла!» деб ваҳий қилинди. Мен уларга пуфлаган эдим, иккиси ҳам учиб кетди. Мен уларни ўзимдан кейин чиқадиган икки каззоб деб таъвил қилдим. Улардан бири Ансий, бири эса Мусайлимадир».**

Бошқа бир ривоятда:

«Мен уларни мендан олдинги ва кейинги икки каззоб - Санъолик ва Ямомалик каззоб деб таъвил қилдим», дейилган.

Икки шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига Бану Ҳанифа элчилари келганида уларнинг ичида машҳур бузғунчи Мусайлиматул-Каззоб ҳам бор эди. Ўша нобакор бу ерга келишидан аввал Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга мактуб юборган эди. Мактубда шундай дейилган эди:

«Аллоҳнинг Расули Мусайлимадан Аллоҳнинг Расули Муҳаммадга!

Аммо баъд... Мен бу ишда сенга шерик бўлдим. Бу ишнинг ярми бизга, ярми Қурайшга. Қурайш адолат қиладиган қавм эмас».

Ўшанда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унга шундай жавоб ёздилар:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аллоҳнинг Расули Муҳаммаддан Мусайлимага.

Ҳидоятга эргашганларга саломлар бўлсин!

Аммо баъд:

Ер - Аллоҳнинг мулкидир, У Зот уни хоҳлаган бандасига мерос қилади. Оқибат тақводорларникидир».

Бану Ҳанифа элчилари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирган пайтларида Мусайлимани у зотдан кийимлари билан тўсиб туришди. Каззоб шу ерда ҳам нобакорлигини қилиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўз салтанатлари остидаги нарсанинг бир қисмини беришларини сўраган эди. Шунда у зот қўлларидаги чўпни кўрсатиб, «**Сенга мана шу чўпни ҳам бермайман**», деган эдилар.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотларидан сўнг Мусайлима тул-Каззоб яна бош кўтариб, пайғамбарман деб даъво қилди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Икрима ибн Абу Жаҳлнинг лашкарини ўша Нажд тарафга, Ямомага, Мусайлима тул-Каззобнинг устига юборди. Унинг ортидан мадад учун Шураҳбийл ибн Ҳасанани ҳам яна бир лашкар билан юборди. Икрима Шураҳбийл ибн Ҳасанани кутиб турмай, ишни ўзи битиришга шошилиб, Мусайлиманинг аскари билан тўқнашди, аммо енгилиб қолди. Бунга Абу Бакрнинг аччиғи чиқиб, унга Мадинага қайтиб келмай, Яманга бориб, Ҳузайфа билан Аржафага қўшилишга, улар билан бирга Аҳли Маҳарга қарши уруш қилишни буюрди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Холид ибн Валидга одам юбориб, Мусайлиманинг устига юриш қилишни буюрди, сўнг унга мадад учун муҳожир ва ансорлардан иборат катта лашкар юборди. Шураҳбийл ибн Ҳасанага ҳам одам юбориб, Холидни кутиб туришни буюрди.

Мусайлиманинг қирқ минг кишилик лашкари бор эди. Мусайлима ва Бану Ҳанифаликлар Холиднинг келаётганини эшитиб, Ямоманинг четига аскаргоҳ қилиб, одам тўплай бошлашди. Уларга ниҳоятда кўп одам қўшилди.

Холид яқинлашиб келар, унинг лашкари олдида Шураҳбийл ибн Ҳасана борарди. Бану Ҳанифанинг аскаргоҳига бир кечалик йўл қолганда улар Бану Омирдан ўч олиб келаётган бир жангчи гуруҳга дуч келишди. Бу гуруҳга Бану Ҳанифанинг улуғларидан Мужжоъа ибн Мурора бошчилик қилар эди. Холид амр қилиб, бошлиқлардан бошқа ҳаммани қатл эттирди.

Сўнгра Холид бориб, муртадлар лашкари билан тўқнашди. Икки томон қаттиқ жанг қилди. Аввалига мусулмонларнинг иши юришмади. Муртадлар Холиднинг чодиригача етиб келиб, ҳатто унинг хотинини асир олмоқчи бўлишди. Мужжоъа уларни бу ишдан қайтарди. Сўнгра мусулмонлар бирлашган эдилар, Аллоҳ уларга сакинат нозил қилди. Холид ўз одамлари билан ҳамла қилиб, муртадларни ортга қайтарди.

Бану Ҳанифаликлар ғазаб отига миниб, шиддат билан жанг қилишди. Холид жанг Мусайлиманинг зиддига бўлаётганини англаб, уни яккама-якка олишувга чақирди. У олишувга чиқди, лекин иши оғирлашиб қолгач, қочиб қолди. Мусайлиманинг одамлари ҳам қоча бошлашди. Шунда Холид мусулмонларга нидо қилди, ҳаммалари бирдан ҳамла қилишгач, муртадлар шармандаларча мағлуб бўлишди. Муртадларнинг қолган-қутганлари Мусайлиманинг Ҳадийқатур-Роҳман деган боғига кириб олишди. Бу қўрғонга кириш мусулмонларга қийин бўлди. Ансорийларнинг шижоатлиларидан Баро ибн Молик «Мени боғнинг ичига отинглар!» деди. Шериклари уни ўша боғнинг ичига улоқтирдилар. Баро ибн Молик ёлғиз ўзи ичкарида душман билан жанг қила туриб, эшикни ичкаридан очди. Мусулмонлар кириб, душманни қириб ташладилар. Ўлдирилганлар ичида Мусайлиманинг ўзи ҳам бор эди. Уни Ҳамза ибн Абдулмутталибни ўлдирган Ваҳший билан яна бир ансорий ўлдиришди.

Яманлик Асвад ал-Ансий деган каззоб ҳам пайғамбарлик даъвосини қилиб чиққан эди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Муҳожир ибн Абу Умайя бошлиқ лашкарни Асвад ал-Ансийнинг аскарларига қарши юборди. Муҳожир уларни енгиб, Ислом ҳукмини қайтадан ўрнатди.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан